

МАКРОНОМИНАТИВ МАЪНО ОРТИДА МАКРОПРОПОЗИТИВ СТРУКТУРА ҲАҚИДА

Наргиза Мардоновна Сулейманова

Самарқанд давлат чет тиллари институти катта ўқитувчиси

Акбар Рустам ўғли Идиев

Самарқанд давлат чет тиллари институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Макропропозиция ходисасининг ифодаланишида гапнинг ёхуд муайян объектнинг синтактик структурасини ташкил этувчи барча воситалар бир хилда фаоллик кўрсатмайди. Бунда хабар ифодасининг марказида бўлган номинатив бирликларгина фаол иштирок этади.

Калит сўзлар: макрономинатив, макропропозитив, синтактик структура, номинативлик, пропозиция.

ABOUT THE MACROPROPOSITIVE STRUCTURE BEHIND THE MACRONOMINATIVE MEANING

ABSTRACT

Macroproposition phenomena do not function in the same way as all means that make up the syntactic structure of a sentence or a particular object. Only the nominative units at the center of the message expression are actively involved.

Keywords: macronominative, macropositive, syntactic structure, nominativity, proposition.

КИРИШ

Равшанки, референт мавжудлиги номинатив маънога ишора қилади. Шундай бўлгач, бу ўринда алоҳида пропозициялар ва номинатив маънолар макроструктура таркибида бирлашади. Макроструктурада эса макропропозиция ва бир пайтнинг ўзида макрономинатив маъно шаклланмоқда. Бироқ улар аниқ ифодали эмас. Бошқача айтганда, макропропозицияга ҳам, макрономинатив маънога ҳам вербал ифода етишмаганини кузатамиз. Шу боис бундай вазиятда имплицит ифода тушунчасидан фойдаланамиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Албатта, макроструктура тушунчасини инкор этиб бўлмайди. Бироқ уни макроматнга нисбатан, масалан кўп компонентли абзацга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай абзац материалида эса, кўриб ўтганимиз сингари, макропропозиция, макрономинатив маъно тушунчаларининг илмий талқинини бера оламиз: *Бобом мункиллаган қария одам. Қошлари ўсиқ, сийрак соқоли оппоқ. Бурушиқ қўлларида томирлар қаварган, йирик бармоқлари қадоқли, ориқлигидан гавдаси чўккан, елкаси чиққан (Ойбек. Болалик).*

Берилган абзацда битта мустақил гап ва иккита боғловчисиз мураккаб синтактик қурилма қатнашаётганини кўрамиз. Бунда абзац ортида асар муаллифи бобосининг портретини акс эттирувчи ситуация мавжуд бўлиб, унинг воситасида макроструктура шаклланмоқда. Бу жуда муҳимдир, чунки макропропозиция ва макрономинатив маъно ана шу макроструктурага таянмоқда.

Айни пайтда алоҳида пропозитив номинация ҳодисаси берилган гапларнинг ҳар бирида кузатилади. Бундай гаплар сони еттита. Уларнинг олтитаси мураккаб синтактик қурилмалар компонентлари мақомида келаётган бўлса, биринчи гап ўзича мустақилдир. Ана шу гапларнинг номинатив маъноларининг жами макрономинатив маънони беради. Агар номинатив маънолар пропозиция тушунчаси билан боғланадиган бўлса, у ҳолда макрономинатив маъно ортида макропропозитив структура мавжудлигини кўрамиз.

Шуни ҳам айтиш лозимки, ҳар қандай синтактик структуранинг шаклланиши коммуникатив жараёнда рўй беради. Кўриб ўтганимиз абзацнинг ҳам деривацион асоси муайян коммуникатив жараён саналади. Демак, макроструктуранинг ҳам, макропропозициянинг ҳам, макрономинатив маънонинг ҳам шаклланиши коммуникатив жараён билан боғлиқ. Бу ҳақда сўз юритганида Н.Турниёзов қуйидагиларни қайд этади: “...гапнинг коммуникатив аспекти бир пайтнинг ўзида ҳар бири ўзича мустақил категорияларни ташкил этувчи предикативлик, номинативлик ҳодисалари ҳамда пропозиция тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Албатта, уларни мутлақ автоном характерли деб бўлмайди, чунки бирининг шаклланиши иккинчиси билан бевосита алоқадордир. Буни биринчи галда семантик планда кузатамиз” [7, 57].

Номинализация ҳодисасининг шаклланиши биринчи навбатда пропозитив структуранинг предикатига асосланади. С.Д.Кацнельсон бу хусусда мулоҳаза

юритганида, гап бири иккинчиси билан боғланмаган сўз ёхуд морфемаларнинг муносабатидан эмас, балки пропозиция замирида вужудга келишини қайд этади. Гапнинг пропозитив структураси унинг синтактик шаклланиши учун зарур бўлган тил элементларини олдиндан белгилаб беради [3, 8]. Демак, гапнинг синтактик шаклланиши пропозитив структураси билан боғлиқ бўлса, пропозитив структуранинг вужудга келиши унинг предикати билан боғлиқдир.

Н.Турниёзов пропозиция ҳодисаси ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: “...пропозиция ҳодисасининг ифодаланишида гапнинг синтактик структурасини ташкил этувчи воситаларнинг барчаси бир хилда иштирок этмайди. Бунда хабар ифодасининг марказида бўлган сўзларгина фаоллик кўрсатади, предикативлик ҳодисаси эса гапнинг синтактик структурасини ташкил этаётган барча сўзларнинг у ёки бу даражадаги иштирокида рўй беради” [8, 60].

Бироқ гапнинг предикативлик ҳодисаси доирасида вужудга келаётган юзаки синтактик структурада барча сўзлар фаол қатнашади. Бу жуда муҳимдир, зотан, фикрнинг тўлиқ ифодаси сўз билан боғлиқдир. Бу ҳақда сўз юритганида Е.С.Кубрякова қуйидагиларни мутлақо тўғри таъкидлайди: “Мысль не только творится в слове, она немыслима без слов, если мы хотим сделать её достоянием другого человека. Синтаксис может быть сведён до минимума, синтаксическая структура может быть равной слову по своей структурной (форматной) характеристике. Но быть свободным от номинации синтаксис не может” [5, 135].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Гапнинг номинатив маъноси, шубҳасиз, синтактик структуралар доирасида вужудга келади. Синтактик структуралар эса сўзларнинг синтагматик боғланишида шаклланади. Синтактик муносабат бўлмас экан, синтактик структуралар ҳақида сўз юрита олмаймиз. Синтактик структуралар сатҳида сўзларнинг жойлашиш тартиби (позициялари) муҳим рол ўйнайди. Масалан, *Он возвратил отца сыну – Он возвратил сына отцу* тарзидаги гапларда қатнашаётган сўзлар бир хил бўлишига қарамай, бу ерда *отец* ва *сын* сўзларининг (берилган гапларда) жойлашиш тартиби ҳар хил эканлигини кўраемиз. Бу орқали ушбу гапларнинг мазмуний жиҳатлари ҳам қисман фарқланмоқда [2, 290].

Синтактик структуралар шаклланиши сўз билан боғлиқ экан, айтилган пайтда сўз танланиши масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, олдин синтактик структура танланадими ёки сўз аввал танланадими, деган савол

туғилиши табиийдир. Аввал ҳам эслатиб ўтилгани каби, Ежи Куриловичнинг фикрига кўра, айна пайтда олдин синтактик структура ва ундан сўнг лексик бирликлар танланади [6, 179].

Бизнингча, бу ўринда сўз ёки синтактик структуранинг қайси бири олдин танланиши масаласи муҳим эмас. Ҳар икки ҳолатда ҳам номинатив маънонинг шаклланиши катта аҳамият касб этади. Муайян тилда сўзловчи кишининг онгида синтактик структуралар моделлари мавжудлиги табиийдир. Бироқ мазкур моделларнинг нутққа кўчирилиши лексик бирликларга мурожаат этишга ундайди. Лексик бирликлар билан тўлдирилган моделларда тўлақонли номинатив маъно вужудга келади. Акс ҳолда эса фақат абстракт номинатив маъно хусусида сўз юрита оламиз. Чунки синтактик структура лексик бирликлар билан тўлдирилмаган ҳолатда ана шундай мақомда бўлади.

С.Д.Кацнельсон ҳам гап шаклланишидан олдин унинг структураси тайёр ҳолда мавжуд бўлади, деган ғояни олға суради. Унинг фикрига кўра, синтактик структуралар схемалари қолипиди янги гап туғилади, синтактик структура эса шу боис динамик характерлидир [4, 130].

ХУЛОСА

Шуни ҳам айтиш керакки, сўнгги йилларда синтактик структура схемасини тил бирлиги тарзида изоҳлашмоқдалар. Назаримизда, тил системасида мавжуд бўлмаган унсурларни унинг бирлиги деб билиш мақсадга номувофиқдир. Чунки гапнинг синтактик схемаси сўзловчининг (инсоннинг) онгида тайёр ҳолда яшайди. Бундай схемалар инсоннинг йиллар давомида сўзлашуви орқали унинг онгига сингиб қолади. Бу ҳақда мулоҳаза юритганида профессор М.Абдуразоқов куйидагиларни тўғри таъкидлайди: "... она (структурная схема-Н.С.) присутствует в сознании говорящего субъекта как психологическая и мыслительная реальность, как форма общественного сознания" [1, 67].

Мазкур фикрга тўлиқ қўшилган ҳолда шуни ҳам айтмоқчимизки, гапнинг структур схемаси инсон онгида тафаккур маҳсули сифатида яшаса-да, у абстракт ҳолатдаги номинатив маънога эга бўлади. Лексик воситалар билан тўлдирилган схемалар эса нутқда яшайди ва тўлақонли номинатив бирликлар саналади.

REFERENCES

1. Абдуразаков М.А. Семантические типы субъектов. – Ташкент, 1991.- С.67.

2. Кацнельсон С.Д. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. – М., 1972.- С.290.
3. Кацнельсон С.Д. Речемыслительные процессы/Вопросы языкознания, 1984,№4. -С.8.
4. Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание.– Л., 1986.-С.130.
5. Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. –М., 1986.- С.135.
6. Курилович Е. Проблема классификации падежей. В кн.: Курилович Е. Очерки по лингвистике. –М., 1962. –С.179.
7. Турниёзов Н. Гап ва унинг деривацион хусусиятлари //Ўзбек тили деривацион синтаксиси. –Тошкент, 2011, 57-бет.
8. Турниёзов Н., Турниёзов Б., Турниёзова Ш, Ўзбек тили деривацион синтаксиси, 60-бет.